



Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Анас розияллоҳу анхұ шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр (Рамазон ҳайити) куни бир нечта хурмо емагунларича (ҳайит намозига) чиқмас әдилар. Бир ривоятда: «Уларни тоқ ердилар.»

Имом Термизий ривоят қилған ҳадисда Бурайда розияллоҳу анхұ шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр (Рамазон ҳайити) куни бирон нарса тановул қилмасдан намозга чиқмас әдилар, аммо Қурбон ҳайити куни ийд намозини ўқимагунларича бирон нарса емас әдилар.

Муттафакун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхұмо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анхұмолар ийд намозларини хутбадан олдин ўқирдилар.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



Имом Муслим ривоят қилған ҳадисда Жобир ибн Самура розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга икки ийд намозини бир эмас, икки эмас, ундан күпроқ марта азон ва такбirsиз ўқидим.

Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фитр ва Қурбон ҳайити куни намозгоҳга чиқардилар ва биринчи қиласидиган ишлари намоз ўқиши бўларди. Сўнг бурилиб, одамларга юзланган ҳолда тик турадилар, одамлар эса сафларда ўтирган ҳолда бўлишарди. Уларга ваъз-насихат ва амри маъруф қиласидилар.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам икки улуғ ибодат – рўза ва ҳаждан сўнг Аллоҳ таолога шукроналик белгиси сифатида ийд намози ўқишишни суннат қилиб қолдирдилар. Бу икки намознинг ўзига хос аҳком ва суннатлари борки, мўмин киши Расулуллоҳ соллаллоҳу



алайҳи ва салламга тўлиқ эргашишга муваффақ бўлиши учун уларни ўқиб-ўрганиши лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ийди рамазон куни намозга чиқишдан олдин бир неча хурмо еб олиш суннат.
2. Ийди қурбон куни то ийд намози ўқимагунича ҳеч нарса емаслик суннат.
3. Ийд намозлари учун аzon ҳам, такбир ҳам айтилмайди.